



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 9 август, № 160 (8783)

Жума

Сайтимиизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ РИВОЖИДА ТАРИХИЙ ВОҚЕА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат ташрифи билан Қозоғистон Республикасида бўлиб турибди.



Остона шаҳридаги Оқўрда қароргоҳида 8 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат мадҳиялари янгради. Икки мамлакат етакчилари фахрий қоровул сафи олдида ўтдилар.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқавнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, ушбу давлат ташрифи тарихий аҳамиятга эга экани, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини сифат жиҳатдан янги bosқичга олиб чиқишга қаратилганини таъкидлади.

Кейинги йилларда товар айирбошлаш ҳажми икки баробар, қўшма корхоналар сони беш баробар кўпайди, юк ташиш ҳажми ортмоқда, йирик кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ёшлар сиёсати ва ахборот майдонини

шакллантириш соҳасида яқин ҳамкорликни ривожлантириш зарурлиги таъкидланди. Бу йўналишда комплекс ҳамкорлик дастурини тайёрлашга келишиб олинди.

Икки мамлакат парламентлари палаталари иштирокида Парламентларо форум ташкил этилиши қўллаб-қувватланди.

Товар айирбошлаш ҳажмини, энг аввало, ўзаро бозорларни шакллантириш ва учинчи мамлакатлардан импортнинг ўрнини босиш ҳисобига янада оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу маънода, ҳукуматларга ой якунига қадар товар айирбошлаш ҳажмини 10 миллиард долларга етказиш бўйича алоҳида дастур қабул қилиш топширилди.

Саноат кооперациясини ривожлантириш мақсадида жорий саммитга қадар умумий қиймати 7 миллиард долларлик янги битим ва шартномалар портфели ишлаб чиқилди.

Улар орасида энергетика, транспорт ва логистика, металлургия, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳаларида, шунингдек, ҳудудлар ўртасидаги лойиҳалар бор.

Сирдарё вилоятида Халқаро саноат кооперацияси маркази қурилишини жадал-

лаштириш ва у ерда корхоналарни жойлаштиришга келишиб олинди.

Йирик лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Қўшма инвестиция жамғармасини ташкил этиш масаласи ўрганилади.

Транзит юк ташиш учун қулай шароитларни таъминлаш, қўшма логистика мажмуаларини қуриш, икки мамлакат ўртасида автомобиль ва темир йўл йўналишларини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари томонлари қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Шундан сўнг Оқўрда қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқав раислигида Давлатлараро олий кенгашнинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Қозоғистон раҳбари ва халқига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ҳамда бу кун Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлиги тарихида алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

— Бугун биз Давлатлараро олий кенгашнинг биринчи мажлисини ўтказмоқдамиз. Бу

мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари ривожидан тарихий воқеа ҳисобланади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатлари юқори суръатда ривожлангани алоҳида қайд этилди.

Ташриф доирасида Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгаши йиғилишлари, бизнес форуми, сиёсий маслаҳатлашувлар, тахлилий марказлар форуми, интеллектуал ўйинлар муваффақиятли ўтказилди. Кино кунлари, кўргазмалар, концертлар ва бошқа кўплаб тадбирлар давом этмоқда.

Икки мамлакат раҳбарлари 2024 — 2034 йилларга мўлжалланган стратегик шериклик ва иттифоқчилик дастури қабул қилинганини мамнуният билан қайд этдилар. Бу дастур Ўзбекистон — Қозоғистон дўстлик ва яхши кўшничилик муносабатларида янги сифат bosқичи бошланганини англатади.

Мажлис давомида давлатимиз раҳбари бир қатор устувор вазифаларни кўрсатиб ўтди.

Аввало, халқаро тузилмалар доирасида позицияларни мувофиқлаштириш ва умумий манфаатларни самарали илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

Мулоқотлар натижадорлигини ошириш, Парламентларо форумни таъсис этиш, Экспертлар кенгашининг қизғин ишини давом эттириш бўйича келишувга эришилди.

Товар айирбошлаш ҳажмини яқин йилларда 10 миллиард долларга етказиш имкониятлари атрофича муҳокама қилинди. Шу мақсадда ой охиригача алоҳида дастур қабул қилинади. Бунда бозорларни ўзаро шакллантириш, мавжуд чекловларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимиз етакчиси саноат кооперациясининг янги стратегиясини қабул қилиш зарурлигини таъкидлади.

Томонлар кеча бўлиб ўтган бизнес форуми ва ишбилармонлик учрашувлари якунлари бўйича 7 миллиард долларлик салмоқли келишувлар имзоланганини ижобий баҳоладилар.

Гап энергетика, логистика, қурилиш, кимё, электротехника, тўқимачилик, агро-саноат ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик ҳақида бормоқда.

Халқаро саноат кооперацияси марказини ишга туширишни жадаллаштириш ва истиқболли лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун қўшма жамғарма ташкил этиш масаласини ўрганишга келишиб олинди.

Иқтисодий ҳамкорликнинг ҳақиқий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган ҳудудлар ўртасидаги алоқалар стратегик шерикликнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Форумни барча вилоятлар ва марказий шаҳарларни қамраб олган ҳолда Ҳудудлар кенгашига айлантириш ва унинг биринчи йиғилишини кузда Самарқандда ўтказишга қарор қилинди. Ҳукуматларга аниқ келишувларга эришиш учун ҳудудларга ўзаро ташрифлар жадвалини тасдиқлаш топширилди.

Энергетика қувватлари ва инфратузилмасини қуриш, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни бирга амалга оширишга тайёрлик билдирилди. Йирик минтақавий лойиҳаларни, энг аввало, «Қамбарота» ГЭС қурилишини тайёрлаш ишлари жадаллаштирилди.

Транспорт ва транзит соҳасида ишбилармон доираларни жалб этган ҳолда икки мамлакат ўртасида янги транспорт йўлакларини қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқишга келишиб олинди. Бундан ташқари, замонавий логистика инфратузилмасини яратиш ишларини кучайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Минтақада сувдан фойдаланиш масалаларига ягона ёндашув мавжудлиги қайд этилди. Ишончли ҳуқуқий базани шакллантириш, сув хўжалиги объектларини автоматлаштириш ва рақамлаштириш ишлари давом эттирилади.

Маданият, таълим, ёшлар ва туризм соҳаларидаги алмашинувларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

— Шу кунларда Остонада Ўзбек киноси кунлари, кўргазмалар, фестиваллар, концертлар ўтказилмоқда. «Заковат» интеллектуал ўйини муваффақиятли ўтди. Бундай тадбирлар ёшларимизни янада яқинлаштиради, уларни умумий тарихимиз ва қадриятларимиз билан яқиндан таништиради, — деди давлатимиз раҳбари.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик бўйича 2024-2025 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси ҳам бунга хизмат қилади.

Томонлар Марказий Осиёда интеграция ва ҳамкорликни чуқурлаштириш тарафдори эканликларини тасдиқлади. Таъкидланганидек, Маслаҳат учрашуви минтақа олдида турган вазифаларни биргаликда ҳал этиш ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган минтақавий кун тартибининг ишлаб чиқишининг самарали механизмига айланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Оролни кутқариш халқаро жамғармаси ва бошқа тузилмалар доирасида яқин ва чиққ мулоқотни давом эттиришга тайёрлик билдирилди.

Музокаралар якунида Шавкат Мирзиёев Қосим-Жомарт Тоқавни Давлатлараро олий кенгашнинг иккинчи мажлисини ўтказиш учун Ўзбекистонга ташриф билан келишга таклиф этди.

Ташриф дастури доирасида Остона шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Қозоғистон Республикасининг «Олтин Қирон» («Олтин бургут») ордени билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Қардош мамлакатнинг олий давлат мукофотини Ўзбекистон етакчисига Президент Қосим-Жомарт Тоқав тантанали равишда топширди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАЙКАЛИ — Кўп асрлик дўстлик намунаси



Акс садо

Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий Ҳайкалининг очилиши қардош ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасидаги кўп асрлик дўстликнинг нақадар теран ҳамда аҳамиятли эканини акс эттирувчи рамзий воқеадир. Мамлакатларимиз тарихи саҳифаларида муҳим ўрин тутувчи ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга давлат ташрифи доирасида бўлиб ўтди.

Алишер Навоийнинг ижодий салоҳияти Марказий Осиёдаги кўплаб халқлар адабиёти ва фалсафасида ўз аксини топиб, бугунги кунга қадар донолик ҳамда илҳом рамзи бўлиб келмоқда. Буюк шоирнинг гуманистик гояларга бой асарлари халқларни бирлаштиришда давом этмоқда, ўзаро ҳамжихатлик ва ҳамкорликни мустақамлашга хисса қўшмоқда.



УЛУҒБЕК РАШИТОВ ВА ҲАСАНБОЙ ДЎСМАТОВ — ОЛИМПИА УЙИНАРИНИНГ ИККИ КАРРА ҒОЛИБЛАРИ

Хушхабар



Париж шаҳрида давом этаётган XXXIII ёзги Олимпия ўйинларида навбатдаги кун мусобақалари Ўзбекистон спорт делегацияси учун қувончли хабарларга бой бўлди. Гап шундаки, -68 кг. вазн тоифасидаги таэквондочимиз, «Токио — 2020» Олимпиадаси ғолиби Улуғбек Рашитов ва «Рио — 2016» ғолиби, боксчимиз Ҳасанбой Дўсмаатов Олимпия ўйинларида яна бир бор муваффақият қозониб, олтин медалларни қўлга киритишди. Улар шу тариқа Олимпия ўйинларининг икки карра чемпиони сифатида Ўзбекистон спорти тарихига кирди.



УЛУҒБЕК РАШИТОВ ВА ҲАСАНБОЙ ДЎСМАТОВ – ОЛИМПИА УЙИНИЛАРИНИНГ ИККИ КАРРА ҒОЛИБЛАРИ

Тазквондочимизга дастлаб нимчорак финал жангида Гонгконг вакили Ло Вай Фунг рақиблик қилди. Беллашув 2:0 (12:0, 9:2) ҳисобида Рашитовнинг ишончли ғалабаси билан яқунланди.

У. Рашитов финал йўланмаси учун испаниялик Хавьер Перес Поло билан баҳс олиб борди. Шиддатли кечган қарама-қаршилиқда Улуғбек 2:0 (7:3, 3:3) ҳисобида ғалаба қозонди. Иккинчи раунддаги фаоллик эвазига ҳамюртимиз раундчи ўз фойдасига ҳал қилди.

Мусобақанинг асосийси финал учрашувида спортчимиз иорданиялик рақибиди Заид Каримни 2:0 (5:4, 3:1) ҳисобида мағ-

лубиятга учратиб, 22 ёшида икки карра Олимпия уйинлари ғолибига айланди.

Ҳасанбой Дўсमतов 51 килограммгага вазн тоифасида финалгача бўлган баҳсларда Пуэрто-Рико вакили Хуан Мануэл Лопесни, қозғистонлик Сакен Бибосиновни, Кабо Верде боксчиси Давид де Пинани мағлубиятга учратди. Ҳал қилувчи финал учрашувида



мезбон спортчиси, франциялик Биллал Беннамага қарши жанг қилди. Беллашув тўлиқ давом этиб, унда Ҳасанбой Ҳасанбой рақибига қарши қарори билан 5:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Бу орақали Дўсमतов ўз фаолиятида иккинчи бор Олимпиада ғолибига айланди.

Ўзбекистон бокс терма жамоаси аъзоси, 71 килограммгага вазн тоифасида катнашаётган Асадуҳжа Мўйдинхўжаев турнир



Маълумки, Гаффа мусобақанинг илк жангида қозғистонлик машҳур боксчи Камшибек Конкабаевни мағлуб қилган, яримфинал боксчида эса франциялик Жамили Абудуни мусобақани тарқ этишга мажбур қилган эди.

Яна бир боксчимиз Абдумалик Халоков (-57 кг) яримфинал учрашувида австралиялик Чарли Сен-Юрени 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратди ва финалга йўл олди. Энди спортчимиз олтин медаль учун Қирғиз Республикаси вакили Мунарбек Сейитбек ўли билан рингга кўтарилади.

Спорт курашлари баҳсларининг эркин кураш турида вақилимиз Фуломжон Абдуллаев (-57 кг.) нимчорак финалда озарбайжонлик Алиаббас Рзазадега қарши гиламга тушиб, 11:4 ҳисобида ишончли ғалабага эришди. Чорак финалда эса арманistonлик тажрибали курашчи Арсен Харугуняни 12:5 ҳисобида таслим этиб, яримфиналга йўл олди. Унга бу боксчида АҚШ вакили Спенсер Ричард Ли рўбарў келди. Афсуски, Фуломжон рақибига 4:14 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди. Энди эркин курашчимиз бронза медали учун баҳс олиб боради.

Олимпия уйинларининг ўн учинчи кун яқунларида кўра Ўзбекистон спорт делегацияси 3 та олтин ва 2 та бронза — жами 5 медали билан умумжамоа ҳисобида 18-поғонага кўтарилиб олди.

Суннатилла ИСЛОМОВ («Халқ сўзи»)

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Ногиронлиги бўлган шахслар доимий эътиборда

Пойтахтимизда “Фавкулда вазиятларда ногиронлиги бўлган шахсларга ёрдам кўрсатиш” мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ҳамда Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда фавкулда вазиятлар даврида ногиронлиги бўлган ва бошқа ҳаракати чекланган шахсларнинг яшаш ҳамда соғлиқ ҳуқуқлари таъминлаш бўйича қилинган ишлар ва истиқболдаги режалар муҳокама этилди.

Иштирокчилар ногиронлиги бўлган шахсларга фавкулда вазиятларда ёрдам беришга мўлжалланган хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган энг янги жиҳозлар билан танишиш имконига эга бўлди.

Йўловчилар учун кутиш ҳудуди кенгайтирилди

Тошкент халқаро аэропорти учинчи залининг “steril” ҳудуди яна 2 минг квадрат метрга кенгайтирилди.



Лойиҳага кўра ушбу залда ўриндиқлар билан жиҳозланган кутиш ҳудуди ҳамда “fud-kort” ташкил этиш кўзда тутилган. Ҳозир янги залда машҳур “Caffelito” тармоғининг қаҳва бурчаги жойлашган бўлиб, у ерда йўловчилар учун иссиқ ва яхна ичимликлар, ширинликлар, пиширилган мағузда.

Қўшимча залнинг қурилиши умумий жўнаш залини “В5”-“В6”-“В7” чиқиш йўлақлари билан улаш имконини берди. Бундан ташқари, келажакда келаятган ва кетаятган йўловчилар оқимини ажратиш туруви алоҳида галерея ҳамда пастки залдан бортага чиқиш йўлақларини очиб мумкин бўлади.

53 нафар янги судьяга гувоҳномалар топширилди

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг навбатдан ташқари мажлиси бўлиб ўтди.

Унда айрим фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманларо ва туман (шаҳар) ҳамда туманларо маъмурий ва иқтисодий судларга илк бор лавозимга тайинланган судьяларнинг қасамёд қабул қилиш маросими ўтказилди.

Мажлисда Судьялар олий кенгашининг 2024 йил 6 ва 7 августдаги қарорларида мувофиқ судьялик лавозимига бўлишнинг биринчи беш йиллик муддатига тайинланган судьяларнинг қасамёди эшитилди.

Қасамёд қабул қилган 53 нафар янги судьяга гувоҳномалар топширилди.

Демографияга оид маълумотлардан самарали фойдаланиш кўникмаси

Бўстонлик туманида “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш учун демографик маълумотлардан фойдаланиш” мавзуида демографлар ва давлат муассасалари мутахассислари учун ўқув ўтказилмоқда.

БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар кўмитаси ҳузуридаги “Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирдан кўзланган мақсад демографияга оид маълумотлардан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлида самарали фойдаланиш кўникмаларини такомиллаштиришдан иборат.

«Халқ сўзи».

ТАҚДИРИМДА УЛКАН БУРИЛИШ ЯСАГАН КҮН

Ёшлигимдан гул парваришларни ёқтирирдим, бу хислат менга онамдан ўтган. Ишсиз юрган пайларимда нимадир фойдали иш қилиб, камбағал яшаётган оиламга даромад келтириш илпини уйда ўстирган гуллари кўпайтириб, бозорга чиқаришни режалаштирдим. Шу-шу томорқамизда гул қўчатларини парваришлай, Жиззах шаҳридаги деҳқон бозорининг йўлақлари четига сота бошладим. Келган даромаддан кунда-кунора рўзгорга керакли озиқ-овқат маҳсулотларига чойчака чиқарди. Ҳарна рўзгорга ёрдам, дегаддай, шунга ҳам хурсанд эдим.

Ифтихор

Бир куни бозорда, йўлак четидан гул сотиб ўтиргандим, бозор назоратчилари югурғилаб қолишди. Айтишларича, вилоятга янги келган ҳоким мутасаддиларни оғохлантирмай, бозордаги ҳақиқий аҳолини кўздан кечириб юрганмиш. Мен бу гапларга ортиқча эътибор бермай, гул сотишда давом этавердим. Бир пайт истараси иссиқ бир киши ҳамроҳлари билан келиб, гултувақларда яшнаб турган гуллари кўздан кечира бошлади. Атрофимни тўлдирди сотиб ўтирган гулларим ёқди шекли-ли, мени саволга тутди.

— Гулларингиз жуда чиройли экан. Уларни ўзингиз етиштирасизми?

— Албатта, ўзим. Сабаби, гуллари яхши кўраман. Бир куни қарасам, гулларим жуда катта далда бўлди. Гулчилик соҳасида ўз билимимни ошириш учун бошқаларнинг тажрибаларини астойдил ўргана бошладим. Овдий қизиқшим мақсадга айланди. Уша йилларда Жиззахда анча танилган гул етиштирувчи тадбиркор Фотиما Шодиева билан ҳамкорликда гул етиштиришга ихтисослаштирилган “Флора гуллари” масъулияти чекланган жамиятини ташкил этдик.

Билим ва тажриба янада оша бошлади. Бозордаги истарали инсоннинг “Агар гулчиликни кенгайтирсангиз, тадбиркорга айланасиз. Ҳамма гулларингизни ўзимиз сотиб оламиз, — дея жилмайди у.”

Кооперативда 149 нафар ёшга 20 — 25 сотихдан ер ажратилиб, ёнқоқор ва бошқа меваги дарахлардан бог барпо қилинди. Кооператив аъзолари мураккаб бир вазиятда ёзгалар орасида маъмурий экинлар экиб, даромад олишди. Эндликда улар чорвачилик, паррандчилик, кўенчилик билан ҳам шуғуланмоқда. Кооперацияда иш намунали йўлга қўйилгани учун уларга Ёйилма қишлоғидан яна 30 гектар ер ажратиб берилди.

Кейинги йилларда яна бир йил қолганиб, 2024 йилдан бошлаб “Агробанк” АЖ томонидан грант маблағлари ажратилди. Мазкур кўмаклар ёрдамида тадбиркорликка ўқитилаётган аёллар сони келгусида 10 минг нафарга етказилади.

Бугунги кунда нафақат вилоятдаги хотин-қизлар, балки Қорақалпоғистон Республикасидан ҳам “аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар мактабимизда тадбиркорлик йўналишида сабоқлар олмоқда.



Шароф Рашидов тумани ҳокими қабулига кириб, мақсадинми айтдим, деҳқончилик учун ер сўраддим. Ҳоким ташаббусимни қўллаб-қувватлаб, 25 гектар ер ажратиб беришга рози бўлди. Шундай қилиб, “Холмуминов Зоҳид” фермер хўжалигини ташкил қилдик. Аввалига турли меваги ва манзарали дарахлар, хиёбонбоп май-

— Яқин келажакда давлатимиз томонидан гулчиликка, богдорчиликка катта эътибор қаратилади. Шаҳар ва қишлоқлар гулларга бурканади. Агар сиз қизиқишларингизни касб даражасига чиқариб, гулчиликни кенгайтирсангиз, тадбиркорга айланасиз, даромад ҳам шунга яраша бўлади. Сиз гулчиликни, албатта, кенгайтиринг. Ҳали сиз билан яна учрашамиз. Ҳамма гулларингизни ўзимиз сотиб оламиз, — дея жилмайди у.

Шароф Рашидов туманидаги «Гулчи опа томорқа хизмати» кластери таъсисчиси, «Холмуминов Зоҳид» фермер хўжалиги раҳбари.

Амалга ошираётган ишларимиз мамлакат миқёсида ижобий ба-

2024/2025 ўқув йилидан мамлакатимиз талаба-ёшлари ўртасида «Талабалар лигаси» спорт мусобақаларини тизимли ўтказиш йўлга қўйилади.

Advertisement for 'Halk So'zi' newspaper containing contact information, subscription details, and a QR code.